

Тазкия дарслари (208-дарс) Тоат ва ибодат орасидаги фарқ



00:00 / 11.12.2022 3942

«Ибодат» сўзи араб тилида бир-бирига зид бўлган икки тушунчани – «мулойимлик ва ўзини паст олиш» ҳамда «шиддат ва қўполлик» маъноларини англатади.

Уламолар уни қуйидагича таърифлайдилар:

«Ибодат Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ва рози бўладиган барча зоҳирий ва ботиний гап-сўзлар ҳамда амаллардир».

Ибодат – баркамол неъмат берувчига баркамол қуллик қилишдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таолодан бошқага ибодат қилиб бўлмайди. Ибодат қилинувчи ҳақида маърифат ҳосил бўлмагунича, ибодат ҳам ҳосил

буларсиз Исломни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ушбу тушунча билан ҳозир тафсир қилаётган оятимизга мурожаат қиладиган бўлсак, инсонлар ва жинлар бутун умрларини намоз ўқиб, зикр қилиб ўтказмоқлари лозим бўлиб қолади. Чунки инсу жинни Аллоҳ таоло фақат Ўзига ибодат қилишлари учун яратгандир.

«Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим».

Намозу рўза, зикру тиловатдан бошқа ишга қўл урган шахс, юқорида айтиб ўтилган тушунча бўйича, Аллоҳнинг иродасига қарши чиққан осий бўлади.

Ҳолбуки, бошқа оятларда Аллоҳ таоло бандаларини ер юзини обод қилишга, оила қуришга ва бошқа ишларга буюрган. Инсонни Ўзининг ер юзидаги халифаси (ўринбосари) деб эълон қилган.

Демак, «ибодат» маъносининг бошқача талқини ҳам бўлиши керак.

Келинг, ибодатнинг луғавий ва истилоҳий маъносини ўрганиб чиқайлик-чи, қандай натижага эришар эканмиз. «Ибодат» сўзи араб тилида «бўйсунуш», «ўзини паст тутиш», «итоат этиш» ва «амрни бажариш» деган маъноларни билдиради.

Демак, ҳар бир ишда Аллоҳга бўйсунуш, итоат қилиш, Аллоҳнинг амрларини бажариш, ҳузурида ўзини паст олиш Аллоҳга ибодат қилишни англатар экан.

Уламолар истилоҳида эса Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган ҳар бир иш ибодатдир.

Алоҳида таъкидлаб айтмоқ лозимки, намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Исломнинг негизини ташкил этадиган улкан ибодатлардир. Буларсиз инсон мусулмон бўлиши қийин. Бу ерда хато «ибодат» маъносини фақат мазкур амалларга боғлаб қўйишдадир. Шунинг учун одам намоз ўқиётганида ўзини Аллоҳнинг ҳузурида ҳис қилади-ю, касб билан шуғулланаётганида ўзини Аллоҳга номаъқул иш қиладигандек ҳис қилади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди